

Бирорта мазҳабга боғлиқ бўлмасдан амал қилишнинг ҳукми

05:00 / 18.01.2017 2993

Савол. Билими йўқ бир кимса имомлардан бирортасига тақлид қилишни ўзига лозим тутмайди. Балки ўз эътиқодича, ҳар бир олимни муқтадо ва пешво деб билади. У ўз давридаги тақводор ва диндор олимнинг айтганига қараб амал қилади. Бу хилда бирорта мазҳабга боғлиқ бўлмасдан, бирортасига тақлид қилмасдан амал қилишнинг ҳукми нима?

Унга жавоб. Қадимги ва ҳозирги уламолар муайян мазҳабга боғлиқ бўлишнинг лозимлиги борасида ихтилоф қилиб келадилар. Айрим олимлар муайян мазҳабга тақлид қилишни вожиблигини айтганлар. Аллома Маҳаллий Шофиъий "Жамъ ал-жавомеъ" шарҳида ёзганлар:

من نبي عم بهذم مازتلا داهتجالا ةبترم غلب بي مل ن مم هريغ وىماعلا لىل ع بجي
رمالاسفن لى ف ناك نا و هل اىواسم وا هريغ ن حجرا هذقت عى نىدهتجملا بهاذم
ىهتنا ،راتخملا لىل ع احوجرم

"Омига ва ижтиҳод мартабасига етмаган бошқага мужтаҳидларнинг мазҳабларидан ўзича бошқасидан кўра устунроқ ёки тенг деб эътиқод қилган бирорта муайян мазҳабни лозим тутиши вожиб бўлади. Гарчи амалда ўша мазҳаб устун бўлмаса ҳам майли. Ихтиёр қилинган гап мана шудир". Тамом.

Имоми ҳумом Камолиддин ибн ал-Ҳумом "Таҳрир ал-усул" асарида бундай деган:

ئىذلا مهذعب ن م و ةباحصلل ناىعال ماوعلا دىلقت عنم لىل عامجالا امامال ل قن
ةمىالا رىغ دىلقت عنم ن نىرخأت م لاضعب هركذا ام اذ لىل اونود و اوعضو
نآلا لىل مهريغ مهلثم ردى مل و مهلائاسم دىلقت و مهبهاذم طابضنال ةعبرال
ىهتنا

"Имом (муаллиф) авомларнинг таниқли саҳобалар ва улардан кейинги илмларни ажратиб, тартиб бериб чиққанларга эргашишдан ман қилинганлиги тўғрисида ижмоъни нақл қилган. Айрим кейинги давр

уламолари тўрт имомдан бошқасига тақлид қилишни ман қилганлари зикр қилинган. Бу уларнинг мазҳаб тузишлари, масалаларни қайд қилишлари кабилар ҳозиргача бирорта бошқа мазҳабларда содир бўлмаганлиги учундир". Тамом.

Айрим уламоларнинг ихтиёр қилгани эса муайян мазҳабга тақлид қилиш зарур эмас. Ҳар кимга ўзи хоҳлаган мазҳабига амал қилиши ихтиёрлидир. Бироқ, шарт шуки, бирор мазҳабни паст санамасин, ўзи амал қилаётган мазҳабга таассуб қилмасин. Агар тўрт мазҳабдан бирортасига таассуб қилса ёки ҳақорат қилса, унга таъзир бериш вожибдир. Зулманосиб Шайх Ибн Ҳожиб "Мухтасар ал-Усул"да бундай деб келтиради:

انل هزواج راتخملا رخآ مكح ىف و اقافاتا هديلق ت دعب دهتجملا لوق ن ع جري ال و
ىع فاشلا واكلام بهذمك اني عم ابهذم مزتلا ولف ركني مل و هعوقول عطقلا
ىهتنا، لوالاك امهثلاثف

"Мужтаҳидга тақлид қилганидан сўнг уламолар иттифоғига кўра унинг гапидан қайтиб бўлмайди. Бошқа ҳукмга кўра унинг жоизлиги ихтиёр қилинган. Бизнингча, бундай воқеанинг юз бериши қатъийдир, буни ҳеч ким инкор қилмаган. Агар бирорта муайян мазҳабни, масалан Молик ёки Шофиъий мазҳаби кабини ўзига лозим тутса, учинчи мазҳаб аввалгиси каби бўлади". Тамом.

Дин имомларининг суянчиғи Қози Азуд ал-милла ва-д-дин мазкур асарнинг шарҳида ёзади:

"Агар оми бир масаланинг ҳукмида бирор мужтаҳиднинг гапига амал қилса, ундан бошқа ҳукмга қайтиши тўғри эмас. Бунга уламолар иттифоқ қилганлар. Аммо бошқа бир масаланинг ҳукмида бошқа мазҳаб ҳукмига тақлид қилиши жоиз бўлади, дейилган. Саҳобалар ва бошқалар даврида бундай воқеа юз бергани учун бунинг жоизлиги ихтиёр қилинган. Чунки, одамлар ҳар бир асрда ўзлари хоҳлаган муфтийларидан фатво сўраб келганлар. Бир муайян муфтийни ҳаммаси лозим тутмаганлар. Бу ҳолат кенг тарқаб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Агар бир муайян мазҳабни лозим тутса ёки агар уни лозим тутмаса, бу борада уч хил қараш бор. Қатъий бировини лозим тутиш, лозим тутмаслик ва кейингиси худди ўзи лозим тутмаган биринчиси кабидир, деган фикрлар. Агар бирор воқеа юз берса, бу борада бир мазҳабнинг ҳукмига эргашса, ундан қайтиб бўлмайди. Бошқа масалаларда эса хоҳлаганига эргашиши мумкин". Тамом.

"Мусаллам ас-субут"да ва унинг шарҳида Валийуллоҳ Лакнавий бундай деб ёзганлар:

"Кўпчилик олимлар фикрича, илмда афзал турганида афзал бўлмаганга тақлид қилиш жоиз бўлади. Бу фикрни аксари ҳанбалийлар ёқлаганлар. Уни Ибн ал-Ҳожиб ихтиёр қилган, муаллиф ҳам уларга эргашган. Имом Аҳмаддан ҳикоя қилинишича, устун фикрга назар солиш вожиб бўлади, деган. Бу имомийлар мазҳабининг ҳам ихтиёр қилганидир. Муқаллид ўзи тақлид қилмаётган мазҳабига тақлид қила оладими? Амал қилмаётган масаласида ёки ихтиёр қилган ҳукмидан бошқасида тақлид қила олади. Агар фатво сўраганининг фатвосига қаноатланадиган бўлса. Саҳобалар даврининг барчасида фатво сўровчилар бир марта бирор мужтаҳидга эргашса, бошқа маротаба умуман бошқа мужтаҳид сўзига амал қилаверганлар. Муайян бир мазҳабни лозим тутса, унда доим қолиши керакми? Қолиши керак, дейилган. Ҳатто айрим такаллуф қилувчилар: "Ҳанафий одам ўз имомининг мазҳабини тарк қилса, унга таъзир берилади", деганлар. Ҳақиқат шуки, ушбу гапнинг асло далили йўқ. Бу ҳолда ўзича шариат қилиб олган бўлади. Доим қолиши шарт эмас, дейилган. "ат-Тайсир шарҳ ат-Таҳрир"да буни энг тўғри фикр дейилган. Чунки, фақат Аллоҳ таолонинг ўзи вожиб қилган нарсаларгина вожиб бўлади. Хуллас, муайян мазҳабга тақлид қилиш вожиб бўлмайди, бошқасига ўтиш жоиз бўлади. Лекин, унинг бу иши улуғ мужтаҳидларни менсимаслик ёки ҳою ҳаваси учун бўлмаслиги лозим". Қисқартирилган ҳолда тамом.

Шунингдек, Баҳр ал-улум Мавлоно Абдулалӣ "Мусуллам ас-субут" шарҳида ва "ат-Таҳрир"нинг шарҳида муайян мазҳабга тақлид қилиш шаръан вожиб эмаслигини ҳақиқат деганлар.

Бу бобдаги таҳқиқ шуки, авомларни бу хилдаги масалалардан узоқ тутиш лозим. Хусусан, бизнинг замондаги авомларга билдирмаслик керак. Уларнинг бирор мазҳабга тақлид қилишдан бошқа чоралари йўқ. Агар фаразан улар турли мазҳабларни ўз хоҳишларича ихтиёр қилаверадиган бўлсалар, динда фитналар юз беради, тил таъналарни чиқаради, улуғ имомларни ҳақорат қилишлар пайдо бўлади. Айниқса, Имом Аъзам Абу Ҳанифа ва бошқалар ҳақида айтадилар: "Бизнинг мазҳаблар билан ишимиз йўқ. Бизга Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари кифоядир". Мазҳабларга тақлид қилиш далилларга тақлид қилишнинг айни ўзгинаси, эканини улар билмайдилар. Аллоҳ жалла ва Ёалонинг мана бу буйруғи:

{43} نَوْمَ لَعَنَتَ الْاَلْمُتَنُّكَ نِ اِرْزُكُ ذَلِ اِلَهَ اَوَّلِ اَسْرَافِ

"Агар билмасангизлар, зикр аҳлидан сўранглар!" (Наҳл, 43) ояти каримаси бунга адолатли шоҳиддир.

Бирор билимсиз бир олимни муқтадо қилиб, унга суянадиган бўлса, гарчи ўтган имомлар ундан кўра тақводорроқ бўлса ҳам, унинг учун шу олим афзал бўлиб ҳисобланади. Демак, ўтган имомларга тақлид қилиш ўрнига ўша олимга тақлид қилишни афзал деб ҳисоблайдиган бўлса, бу яхши бўлмаган устунликдир. Аллома Фахриддин аз-Зайлаъий "Шарҳ Канз ад-дақоик"да, Шайх ал-ислом Бадриддин Айний ва бошқалар аниқ қилиб ёзганлар:

ة ن م ز أ ل ا ل ي د ب ت ب ل د ب ت ي م ا ك ح أ ل ا

"Ҳукмлар замонлар ўзгариши ила ўзгариб боради".

Бунга гувоҳ сифатиди Абу Довуд Ҳазрати Ойша (р.а.)дан ривоят қилган:

د ج ا س م ل ا ن م ن ه ع ن م ل آ س ن ل ا ه ث د ح ا م م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص ه ل ل ا ل و س ر ك ر د ا و ل ل ئ ا ر س ا ي ن ب آ س ن ه ع ن م ا م ك

"Агар хотинлар пайдо қилган нарсаларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрганларида эди, худди Бани Исроилнинг хотинларини ман қилингандек, уларни масжидлардан ман қилган бўлардилар".

Шу сабабдан "Ҳидоя" соҳиби ва Шамс ал-аимма Сарахсий, балки жумла ҳанафий ва шофиъий фақиҳлари бир неча ўринда масалаларни ёритганларидан сўнг бундай деб ёзганлар:

س ا ن ل ل ا ه ب ي ت ف ي ا ل ا م ا ذ ه ن ك ل

"Лекин бу одамларга фатво берилмайдиган масалалардандир!".

Фиқҳ китобларига назар солиб юрувчига бу иш махфий эмас.

Демак, муҳаққиқ олимлар наздида муайян мазҳабни ихтиёр қилишнинг вожиб эмаслиги ҳақидаги равшан фикр бўлса-да, бироқ, замонамиздаги авомлар учун ихтиёр қилинган фатво муайян мазҳабга тақлид қилиш вожиб ёки мустаҳсан дейишдир. Чунончи, бу айрим олимлар фикри ҳамдир. Авомларни ушбу мазҳаб борасида ихтиёрли бўлиши ишидан ҳаргиз, ҳаргиз хабардор қилмаслик керак. Моҳир олим, мутаассибдан холи диндор ва тақводор бўлса, ўзининг ихтиёридаги мазҳабни тутавериши

албатта авло ва яхшироқдир. Орифи раббоний Абдулваҳҳоб Шаъроний "Мезон"да ёзадилар:

"Бирор инсон Саййидим Али ал-Хавоссдан ҳозирда муайян мазҳабга тақлид қилиш борасида, унинг вожиб ёки вожиб эмаслиги ҳақида сўрайдиган бўлса, унга айтар эдилар: "Шариатнинг айнаи шоҳидликларига етимасанг, Бирорта мазҳабга тақлид қилиш сенга вожиб бўлади. Жами мазҳабларнинг бир-бирига муттасил эканини кўрадиган бўлганингда эса сенга тақлид вожиб бўлмайди". Тамом.

Шоҳ Валийуллоҳ Деҳлавий "Ҳужжатуллоҳ ал-болиға"да ёзади:

"Таҳрир қилиб, тузилган тўрт мазҳабга тақлид қилишнинг жоизлигига бугунги кунгача уммат ижмоъ қилиб келган. Бунда масолиҳи мурсала қоидаси борлиги махфий эмас. Хусусан, ҳимматлар жуда ҳам камайиб кетган, нафслар ҳавога шўнғиган, ҳар бир фикр эгаси ўз фикри ила ифтихор қиладиган бу кунларда бу фикр айниқса муҳим. Ибн Ҳазмнинг тақлид ҳаром деган гапи хатодир". Тамом.

Яна "Иқд ал-жийд фий аҳком ат-тақлид"да қайд қилган:

"Билгинки, ушбу тўрт мазҳабни ушлашда катта маслаҳатли фойдалар бор. Улардан юз ўгиришда эса катта фасод-бузуқликлар бор. Биз сенга бунинг бир неча жиҳатларини баён қиламиз:

Биринчидан, уммат шариатни танишда ўтган олимларга суянишга ижмоъ қилиб келганлар. Демак, тобеъинлар саҳобаларга суянганлар, таъба тобеъинлар эса тобеъинларга суянганлар. Шунингдек, ҳар бир табақадаги олимлар ўзларидан олдингиларга суянганлар. Қабул қилиш мана шу ишнинг яхши эканлигига далолат қилади. Агар ўтган олимларнинг гапларига суяниш аниқ бўлса, суянилаётган уларнинг гаплари саҳиҳ иснод билан ривоят қилинган бўлмоғи лозим ёки машҳур китобларда битилган бўлмоғи керак. Ушбу тўртта мазҳабдан бошқа ҳеч бир мазҳаб бу хилда эмас. Эй, Аллоҳ! Имомийлар ва зайдийлар мазҳаби ҳам бор. Улар бидъат аҳли бўлиб, уларнинг гапларига суяниш жоиз бўлмайди.

Иккинчидан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилганлар: "Ўзингизга катта жамоани – саводи аъзамни лозим тутинг!". Ҳақ мазҳаблардан фақат мана шу тўрттаси қолган экан, демак, уларга эргашишлик саводи аъзамга эргашишлик демакдир". Тамом.

Яна "ал-Инсоф фий баён сабаб ал-ихтилоф"да келтирган:

"Одамлар аввалги ва иккинчи юз йилликларда муайян мазҳабга тақлид қилишда жамланмаган эдилар. Иккинчи юз йилликдан сўнг одамлардан мазҳаблашув юз берди. Муайян мужтаҳиднинг мазҳабига суянмайдиган кимсалар жуда оз эди. Бу нарса ушбу даврда вожиб бўлганди. Агар "Қандай қилиб бирор нарса бир замонда вожиб бўлади-ю, бошқа бир замонда эса вожиб бўлмайди, ахир шариат битта бўлса", деб сўралса, мен жавоб бераман: "Асли вожиб тафсилий далиллардан фаръий ҳукмларни таний оладиган кимсага тақлид қилишдир. Бунга ҳақиқат аҳли ижмоъ қилган. Агар турли йўллар вожиб бўладиган бўлса, таъйин қилмасдан йўллардан бирини таҳсил қилиш вожиб бўлиб қолади. Агар битта йўл бўлса, ўша йўлни махсус муайян қилинади. Чунончи, салафи солиҳлар ҳадисларни ёзмас эдилар. Сўнг бизнинг давримизда ҳадисларни ёзиб олиш вожиб бўлиб қолди. Чунки, ҳадис ривоятида ушбу китобларни танишдан бошқа йўл қолмади. Ўтганлар наҳв-сарф ва луғат билан ҳам машғул бўлмаганлар. Чунки, уларнинг тиллари арабча эди. Сўнг бизнинг кунларга келиб уларни ўрганиш вожиб бўлди. Демак, Ҳиндистон ва Мовароуннаҳр шаҳарларида шофиъийларнинг ҳам, ҳанбалийларнинг ҳам, моликийларнинг ҳам мазҳаби йўқ, ушбу мазҳаб китоблари ҳам топилмайди. Шунинг учун ушбу шаҳарларда яшовчи билимсиз инсонга Абу Ҳанифа мазҳабига тақлид қилмоғи вожиб бўлади, унга ўз мазҳабидан чиқиши ҳаром бўлади. Ҳарамайнда яшаган кимсага ундай эмас. Чунки, у ерда жами мазҳабларни топиш имконияти бор". Тамом.

Гапнинг хулосаси шуки, билимсиз кимса бирор мазҳабни лозим тутмайдиган бўлса, тақводор бир олимнинг гапига амал қилсин. Шарт шуки, ўша билимсиз динни енгил санашдан, мужтаҳид имомларга таъна қилишдан ва бошқа шунга ўхшаш беодобликларда холи бўлиши керак. Шунингдек, у суянаётган олимнинг масалаларни таҳқиқ қилиш бобида тўлиқ маҳорати бўлсин. Унда ҳам таассуб асари бўлмасин, унинг тилидан мужтаҳид олимларга таъна қилиш содир бўлмасин. Шу суратда ўша кимса муайян мазҳабни лозим тутмаслик бобида ихтиёрлидир. Лекин, бизнинг давримизда на бундай диндор олим ва на бундай билимсиз тақводор учрайди. Ин ша-Аллоҳ, бундайлар ҳам учраб қолар....

Валлоҳу аълам би-с-савоб ва ҳува аъламу би-л-Китоб!

Абдулҳай Лакнавий. Мажмуат ал-фатово. 1-жилд. – Лакнав: Юсуфий, 1907.
– Б. 22-25.

Таржимон: Ҳамидуллоҳ Беруний.